



Шаҳобиддин АШУРОВ

доцент

филология фанлари номзоди

Самарқанд давлат чет тиллар институти

ashaxobiddin@umail.uz

ИНГЛИЗ ТИЛИ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Мақолада ОТМ профессор-ўқитувчилари олдида қўйилаётган бугунги муҳим талаблардан бири – инглиз тили саводхонлиги борасида фикр юритилган. Муаллиф ОТМдаги педагог-кадрларнинг инглиз тилини билиш даражасини ошириш имкониятлари ва улардан кутиладиган натижалар ҳамда мазкур имкониятлар қўлланилиши мумкин бўлган соҳалар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилган.

В статье излагаются соображения о повышении уровня владения английским языком как одним из актуальных требований к профессорско-преподавательскому составу вузов нашей Республики. В частности, формулируются предложения по повышению уровня владения английским языком педагогическими кадрами вузов, а также определению сфер применения полученных знаний.

This article presents considerations about raising the level of English proficiency as one of the most urgent requirements for academic staff of universities of our Republic. In particular, it makes proposals to improve the level of English language teaching staff of universities, as well as defining the scope of the knowledge they gained.

Калит сўзлар: инглиз тили саводхонлиги, ўқув-услугий ва илмий-тадқиқот фаолияти, мастер-класс, мутахассислиги чет тили бўлмаган, замонавий салоҳиятли моҳир педагог, халқаро илмий грантлар.

Ключевые слова: владение английским языком, учебно-методическая и научно-исследовательская деятельность, мастер-класс, иностранный язык как не специальность, современный педагог, международные научно-исследовательские гранты.

Key words: English language proficiency, educational and scientific - research activities, master-class, no specialist on foreign languages, modern potential skilled teachers, international research grants.

Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, унинг сифатини таъминлашда замонавий методларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда ўқув фан дастурларини такомиллаштириш принципларини ишлаб чиқиш, ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асосларини мустаҳкамлаш, ўқув машғулотларини (маъруза, амалий машғулот, семинар) ўтказиш методикасини такомиллаштириш, талабалар ўртасида мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш тадбирларини бойитиш таълимнинг энг долзарб масалалари мажмуини ташкил этади(2).

“Олий таълим муассасаларининг мутахассислиги чет тили бўлмаган профессор-ўқитувчиларни чет (инглиз, немис, француз ва испан) тиллари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш дастури”да белгилангани каби ҳозирги кунда чет тили саводхонлиги ОТМ профессор-ўқитувчилари учун талаб қилинадиган зарурий шартлардан бири сифатида олиб қаралади(4).

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касбий даражаси ва ўз маҳорат самарасини ошириш ва уларни замонавий талабларга мувофиқ шаклланишини ташкил этиш мақсадида ОТМ педагоглари томонидан турли хил очик дарс ва машғулотлар ҳамда “маҳорат дарслари” (“мастер-класс”) ҳозирги кунда инглиз тилида ўтказилмоқда.

Инглиз тилининг ўқув-услубий жараёнга татбиқ этилиши қуйидаги асосий мақсадларни амалга оширишга ёрдам беради: педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиётини ривожлантириш;

- таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданиятини тўғри йўлга қўйиш;
- педагог сўзлашув нутқи маданияти асосларини бойитиш;
- кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга таъсир кўрсатадиган омилларни такомиллаштириш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш асосларини янада бойитиш;
- иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини яратиш;
- талабаларнинг билим, маҳорат ва кўникмаларини рейтинг бўйича назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш асосларини амалда синаб кўриш;

- ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари ва уларни таълимнинг техник ва ахборот воситалари билан биргаликда ўқув жараёнига жорий этиш;
- олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши.

Мутахассислик доирасидаги фанларнинг инглиз тилида ўқитилиши ҳозирги кундаги таълим соҳасига хос инновацион жараённинг бир кўриниши ҳисобланади. Шундай экан, ОТМ педагог кадрларининг инглиз тили бўйича саводхонлигини ошириш таълим сифатини такомиллаштиришдаги муҳим омиллардан биридир.

ОТМ миқёсида турли хил очик маъруза ва амалий машғулотларнинг ёки “маҳорат мактаб”ларининг инглиз тилида олиб борилиши фанларўқитилиш жараёнини замонавий тарзда такомиллашишига олиб келади. Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг инглиз тилини билиш даражасини назорат қилиш жараёнида албатта, инглиз тилининг ўқув-услубий тадбирларга нисбатан татбиқ этилиш ҳолатини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Профессор-ўқитувчилар томонидан инглиз тили саводхонлигининг ўқув-услубий фаолиятга нисбатан татбиқ этиш ҳолати, асосан, қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- инглиз тилида очик маъруза ташкил этиш;
- инглиз тилида очик дарс ўтказиш;
- инглиз тилида “маҳорат дарси” олиб бориш;
- инглиз тилида дарс ишланмалари тайёрлаш;
- MOODLE платформасида маълум бир дарс ишланмасини инглиз тилида яратиш;
- хорижда ўз соҳаси бўйича малака ошириш;
- инглиз тили бўйича қисқа муддатли курсларга қатнашиш;
- инглиз тилида бажарилган мустақил таълим ишларига раҳбарлик қилиш.

Таъкидланган мезонлар нофилологик ОТМлари профессор-ўқитувчиларининг инглиз тилини нафақат ўрганиш, балки амалиётга татбиқ этиш масаласини ҳам жадаллаштиради.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инглиз тилидаги замонавий дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ҳамда ўқув-кўргазмали

воситалар, шунингдек, инглизча маълумотнома-ахборот нашрлари ва бошқа ўқув-илмий адабиётлар ҳамда ОТМнинг мутахассислик йўналишлари бўйича хорижий нашрлар ва илмий журналлар билан мунтазам танишиб бориши замонавий салоҳиятли моҳир педагог даражасига эришишнинг асосий шартлардан бири саналади.

Бундай даражадаги салоҳиятли педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштириши учун ОТМ томонидан қўшимча шарт-шароитлар яратилиши зўрур. Шундай қулайликлардан бири – ОТМ миқёсида педагог кадрлар билимини ошириш учун қўшимча инглиз тили машғулотларининг олиб борилиши бу борада масъулиятни оширишга ундайди.

Профессор-ўқитувчиларнинг инглиз тили саводхонлиги даражасини белгилайдиган омиллардан бири сифатида педагог кадрларнинг инглиз тилидаги илмий-тадқиқот ишларидан хабардор бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Профессор-ўқитувчилар томонидан инглиз тили саводхонлигини илмий-тадқиқот фаолиятига нисбатан татбиқ этиш ҳолати асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- 1) ОАК эътироф этган журналларда инглиз тилида илмий мақолалар чоп этганлиги;
- 2) хорижий нашрларда инглиз тилида илмий мақолалар чоп этганлиги;
- 3) халқаро анжуманларда инглиз тилида тезислар чоп этганлиги;
- 4) республика илмий-амалий анжуманларида инглиз тилида тезислар чоп этганлиги;
- 5) ОТМ миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда инглиз тилида тезислар чоп этганлиги;
- 6) таълим сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган хорижий илмий лойиҳаларда иштирок этганлиги;
- 7) халқаро илмий грантларда иштирок этганлиги;
- 8) халқаро семинар ва анжуманларда инглиз тилидаги маърузалар билан қатнашганлиги;
- 9) талабалар илмий-амалий тўгаракларида кафедра ўқитувчиси раҳбарлигида машғулотнинг инглиз тилида ташкил этганлиги;
- 10) ёш олимлар илмий анжуманларида ўқитувчи раҳбарлигида инглиз тилида иқтидорли талабалар иштирокида маърузалар қилганлиги.

ОТМ педагог кадрларининг инглиз тили саводхонлигини ўқув-услугий ва илмий тадқиқот фаолиятига нисбатан татбиқ этиш тил саводхонлигини оширишга олиб келадиган муҳим омил сифатида хизмат қилиши мумкин. Чунки олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг бутун фаолиятини меъёрий ҳужжатда белгилангани каби ўқув, илмий-методик, илмий тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар ташкил этади(5).

Шундай экан, инглиз тилини билиш саводхонлиги фақат лисоний мулоқот қобилияти эмас, балки уни амалда қўллаш шакллари – ўқув-услугий ва илмий тадқиқот фаолияти орқали намоён қилинишига тил саводхонлигини белгилайдиган муҳим мезон сифатида қаралади. Бундан ташқари, инглиз тили саводхонлиги ОТМ профессор-ўқитувчиларининг маънавий-маърифий фаолиятида ҳам акс этиши мумкин. Бунда муайян маънавий тадбирнинг инглиз тилида олиб борилиши ёки айнан инглиз тили саводхонлигига бағишланган ҳар хил маданий тадбирларнинг ташкил этилиши ОТМ педагог-кадрларининг инглиз тили саводхонлигини белгилаши мумкин. Демак, ОТМ педагог-кадрларининг инглиз тили саводхонлиги уларнинг ўқув, илмий-методик, илмий тадқиқот, ташкилий- методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий фаолиятларида ҳам акс этиши мақсадга мувофиқ, уларнинг самарадор бўлиши тил саводхонлиги даражасининг ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. - 304 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил, 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарори. – Т., 2012.
4. Олий таълим муассасаларининг мутахассислиги чет тили бўлмаган профессор-ўқитувчиларни чет (инглиз, немис, француз ва испан) тиллари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш дастури. – Т., 2014.
5. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий методик, илмий тадқиқот, ташкилий – методик, маънавий ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги ВМ-2720-сон буйруғи, 2015.